

Хабар

7
(961)-son

18-fevral

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI


1992-yil martdan chiqa boshlagan

БОҒЛАР-ЛА ГЎЗАЛЛАШ, ЭЙ, ОНА ЮРТИМ!

Мазкур йилнинг сентябр ойида республикамиз мустақил деб эълон қилинганига 20 йил тўлади. Ушбу йиллар давомида халқимиз метин ирода, босиклик ва улғуворлик, ақлу заковат, келажакка ишонч билан барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, тараккиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Юртбошимиз етакчилигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари кўпларнинг хавасини келтираётгани рост.

Бугун республикамиз аҳолиси мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйига қизғин тайёргарликни бошлаб юборган. Тўйга тўёна билан бориш эса халқимизнинг қадимий урф-одати. Шу сабаб қорхона, ташкилот, муассаса, жамоат ташкилотлари меҳнат жамоаларидан тортиб нуруний отахону онахонларимизгача тўйга муносиб тўёна хозирлаш ҳаракатидалар.

5-бет



“Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига — 20 туп дарахт менинг тухфам”

СПОРТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

У доим соғлом ҳаёт сари етаклайди. Спорт нафақат жисмоний, балки руҳий қувват манбаи ҳамдир. Кунлик меҳнат фаолиятидан бўш вақтда жисмоний тарбия билан шугулланган инсон асаб толиқшларидан тезда фориг бўлади, руҳан энгилликни ҳис этади. Бундай энгилликни ҳис этиш масъул лавозимларда фаолият олиб борувчи инсонлар учун ҳам муҳимдир. Айниқса, сеvimли машғулоти билан шугулланиб турган киши доимо ўзида кўтаринки кайфиятни сақлай олади. Табиийки, бу — меҳнат самардорлигига таъсир этмасдан қолмайди.

Ўтган ҳафтада Тошкент ахборот технологиялари университетидида ўтказилган навбатдаги мини-футбол мусобақаси алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган раҳбар ва катта ёшли мутахассисларнинг спортта бўлган интилиши, қизиқиши ва маҳоратларини яққол кўрсатиб берди. Футболда ёш ўтса ҳамки, ўз вақтида орттирилган тажриба ва техника йўқолмас экан. Мусобақани кузатганлар бунга яна бир бор гувоҳ бўлишди. Эллик, олтмиш ёшлик чегарани ортада қолдирган аксар иштирокчилар майдонда ёшларга намуна бўладиган даражада маҳоратларини намойиш қилишди.

15-бет

Сўнги янгилик!

Qualcomm компанияси Flash-Linq деб номланган янги симсиз алоқа технологиясини ишлаб чиқди. Технология портатив қурилмалар воситасида пиринг тармоқ шакллантириш имконини беради.

Мобил телефонлар тўғридан-тўғри, яъни ажратилган тармоқ, мобил алоқа оралиқ инфратузилмаси ва бошқа қўшимча хизматларсиз ҳам бир-бирига боғлана олади.

FlashLinqнинг қамраш доираси назарий жиҳатдан бир километрга тенг дея ҳисобланапти, қолаверса, маълумот алмашиш тезлиги юқори баҳоланган.

Ушбу сонда:

- 5000 китоб – чўнтагингизда! 2
- “Матбуот тарқатувчи”АК:
Замон билан ҳамнафас 3
- STACK GROUP –
Разработчик модульного дата-центра нового поколения 6
- Тил ўрганишда янги технологиялар 12
- Шоҳлар ичра шоир, шоирлар ичра шоҳ 13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:

Интернет
ҳамкоримиз

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази томонидан Олий Мажлис қўйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмиталари, тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - ЎзЛиДеП ва Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди. Мазкур тadbир кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларига бағишланди.

Наманган шаҳрида Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳайъатининг Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йилидаги устувор вазифалари ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганишга бағишланган сайёр йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Олий ҳўжалик судлари томонидан ҳудудий семинар-тренинг ташкил этилди. Суд этикаси, судьялар ва суд ходимларининг меҳнат ҳамда касбий маҳоратини оширишга бағишланган тadbирда Тошкент шаҳри ва вилояти судлари судьялари, ходимлари иштирок этди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан "Устоз-шогирд мактаби" лойиҳасини самарали амалга ошириш масалаларига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда лойиҳа доирасида ўрганилган илғор педагогик технологиялар очiq дарслар тарзида намойиш этилди.

Қарши шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган Ёшлар форуми доирасидаги тўрт кунлик семинар машғулотлари якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 200 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида "Банк ишида халқаро стандартлар: рискларни бошқариш" йўналиши бўйича махсус курсларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. 19 февралга қадар давом этадиган ўқув-амалий семинар якунида тингловчиларга халқаро намунадаги сертификатлар топширилади.


Ўзбекистон санъат арбоби, таниқли rassom Николай Шиннинг пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида "Муҳаббат ҳақида афсона" деб номланган кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазма март ойига қадар давом этади.



5000 китоб

чўнтагингизда!

Китобга меҳр қўйган, йиллар давомида шахсий кутубхонасини ташкил этишга бел боғлаган инсонлар ҳам 5 минг нусхадан иборат китоб фондига эга бўлиши жуда мушкул иш. Ахборот технологиялари бу жараёнда ҳам қулайликлар, енгилликлар тақдим этмоқда. Мисол учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган чўнтакка сиғадиган JETBOOK электрон китобларидан 5000 нусха китобни сақлаш имкони бор.



"ECTACO.UZ" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган мазкур электрон китоблардан нафақат шахсий кутубхона ташкил этишда, балки таълим жараёнида самарали йўлга қўйишда ҳам фойдаланиш мумкин экан. Кеча Ўзбекистон алоқа тарихи музейи биносидан ўтказилган тақдимот маросимида шу ҳақда сўз борди.

Тақдимотда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Асалжон Хўжаев, "ECTACO.UZ" компанияси бош директори Даниил Гапиров, компания техник директори Владимир Ежков, компаниянинг Марказий Осиёдаги вакили Семён Грабер, таълим жараёнида тажриба сифатида JETBOOK электрон китобларидан фойдаланиб келинаётган Фарғона шаҳридаги 40-мактаб вакили Егор Семизаровлар иштирок этишди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда янги инновацион технологияларнинг жорий этилиши тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш борасида улкан ишлар олиб бориляпти. Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини белгилаб берувчи тегишли қонунчилик базаси яратилган.

Ахборот технологиялари бозори ҳажми бир метрда тараққий этмоқда. Ҳукуматимиз томонидан технологик жараёнлар даражаси ва маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ишланмаларни рағбатлантириш ҳамда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилганлиги сабабли ушбу йўналишларга ихтисослашган компаниялар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил июлидаги "Республикада қўғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда республикада қўғозни иқтисод қилиш вазифалари, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига ахборот технологияларини татбиқ қилиш лозимлигини тақозо этади.

Юқорида қайд этилган вазифа ва имкониятлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда илк бор Фарғонада "ECTACO.UZ" компанияси томонидан 2010 йилнинг август ойидан бошлаб JETBOOK электрон китоблари ва PARTNER электрон таржимонлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Компания вакиллариининг сўзларига кўра, JETBOOK электрон китобларининг афзалликлари шундаки, улардан ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-хўнаар таълим муассасалари ўқувчилари, олий

ўқув юртлири талабалари ўқув жараёнида бемалол фойдалана оладилар. JETBOOK электрон китобларига биринчи синфдан тўққизинчи синфгача бўлган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини жамлаш имконияти бор. Бу келусида ўқув қўлланмаларига кетадиган қўғозларни тежашда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, JETBOOK электрон китобларидан турли соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, солиқ, боғхона, тadbиркорлик йўналишларида у жуда қулай қурилма ҳисобланади. Чунки, JETBOOK электрон китобларида Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатлари, турли кодекслар, Ўзбекистон Республикаси Президентини фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари жамланган. Электрон китобларга нафақат дарсликлар жойлаштириш, балки бадий адабиётлар, турли мақолаларни киритиб, ўқиш мумкин. Агар бирорта асарни чет тилида мутолаа қилаётган бўлсангиз, тушунмай қолган сўзларни белгилаб, "таржима" функцияси орқали унинг маъносини билиб оласиз.

Тақдимотда янги йирик лойиҳалар устида иш олиб борилаётгани ҳам таъкидлаб ўтилди. Жумладан, қатор вилоятлар билим масканларида таълим жараёнига JETBOOK электрон китобларини жорий этиш пилот лойиҳаси тайёрланмоқда.

"ECTACO.UZ" компанияси бош директорининг сўзларига кўра, айни вақтда йилга 160 000 донна маҳсулот ишлаб чиқариляпти. JETBOOKларнинг уч тури мавжуд. Яна бир маҳсулот: PARTNER – электрон таржимонлари ҳозирги кунда Ўзбекистонда оммалашиб бормоқда. Бу мослама ёрдамида қисқа вақт ичида чет тилларини ўрганиш мумкин. Бунинг учун алоҳида репетитор ёллаш шарт эмас. PARTNERдан хориж сафарларида, чет мамлакатлардан келган фуқаролар билан мулоқот қилишда фойдаланиш мумкин. Электрон таржимон хотирада дунёнинг 40та тилидаги луғат мавжуд. У овозни ёзиб олиб, таржима қилиб бериш функциясига эга.

"ECTACO.UZ" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилмалар ҳозирда Тошкент, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида сотувга қўйилган.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Маълумот ўрнида:

Қурилмалар нархлари:
JetBook: 500 000 сўм.
JetBook-Lite: 600 000 сўм.
JetBook-Mini: 475 000 сўм.
PARTNER: 1 300 000 сўм.

“Матбуот тарқатувчи” АҚ: Замон билан ҳамнафас

Бугунги шиддаткор давр хар бир корхона, ташкилот, муассаса раҳбаридан, у ерда ишловчи хар бир ходимдан замон билан ҳамнафас одим ташлашни, сохага оид дунё янгиликларидан бохабар бўлишни ва ўша микёсга интилган холда фаолият юритишни, янгиликларни ўз иш жараёнига татбиқ этиш йўллари излаб топишни такозо этмоқда.

Бу интилиш, айниқса, ўзаро рақобат кучайиб бораётган алоқа соҳаси корхоналари учун ниҳоятда зарур. Зеро, соғлом рақобат муваффақиятлар калитидир.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси раҳбар ва мутахассислари ҳам бугунги давр талабларидан келиб чиққан холда ўз ишларида янгиликлар жорий қилишга, шу йўл билан аҳолининг кун сайин ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилишмоқда. Олиб борилган изланишлар самарасидан бири янги кўринишдаги матбуот дўконларининг республика бўйлаб кўпайтирилётгани бўлса, иккинчиси матбуот нашрларида обунанинг интернет орқали уюштирилиши йўлга қўйилганлигидир.

— Янги матбуот дўконлари ўзининг қулайлиги, эшиги икки қанот шаклида очилган пайтда кўпроқ матбуот нашрлари, китоб ва канцелярия маҳсулотларини намойиш эта олиши билан алоҳида ажралиб туради, — дейди уюшма бош директори ўринбосари Шавкат Абдукаримов. — Бундай киоскнинг ёпиқ ҳолати 3x2 квадрат метр майдонни эгалласа, эшикларни очилган пайтда олд қисми 5 метрга етади. Ва кўпроқ ассортиментдаги молларни харидорга кўрсатиш имкони яратилади. Бу эса ўз-ўзидан аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмининг кўпайишига, режа-топшириқлар орғиғи билан адо этилишига сабаб бўляпти.


Ўтган йилнинг сентябр, октябр ойларидан ишга туширилган бу дўконлар, Шавкат Абдукаримовнинг айтишига қараганда, бугунги кун талаби-

ни эътиборга оладиган бўлсак, етарли эмас. Айни пайтда Тошкентдаги шаҳри азимда бешта, Фарғона, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида иккитадан, Наманган ва Сурхондарёда биттадан ана шундай дўкон хизмат кўрсатаяпти ва улар сонини кўпайтириш юзасидан буюртмалар берилган. Шунингдек, уюшма раҳбарияти бундай дўконлар орқали аҳолига хизматнинг янги турлари: интернет карточкалари сотуви, нусха кўчириш, факс, телефон хизматлари кўрсатишни режалаштиришган.

— 288-сонли дўконим шаҳримиздаги энг гавжум жой — Навоий метро бекати олдида жойлашган, — дейди Моҳигул Соатова биз билан суҳбатда. — Янги кўринишдаги дўкон сотувчилар учун ҳам, мижозлар учун ҳам ҳар томонлама қулай. Илгари фақат матбуот нашрлари сотар эдим, энди эса турли қизиқарли китоблар билан биргаликда бошқа канцелярия маҳсулотлари ҳам сотаяпман. Янги дўконимда ойига ҳар доимгидан 300-400 минг сўм кўп савдо қилияпман.

Республикамиз вилоятларидаги бундай дўконлар сони янада ортади, бугунги кундаги барча ҳаракатлар шу мақсадга қаратилган.

Биз уюшмада интернет орқали обуна ишлари қандай ташкил этилганлиги билан қизиқдик. Бу ҳақда гапирар экан, уюшма бош директори ўринбосари Бахтиёр Кубеев аввало интернет обунани қандай уюштириш ҳақида тушунча берди.



— Интернет орқали обуна бўйича дастуримиз ишлаб турибди, — деди у. — Кимки ўзи истаган матбуот нашрига обуна бўлишни истаса, akmt.uz сайти орқали интернет обуна дастурига кирди. Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтганидан сўнг обуна каталоги очилади. Мазкур каталогда барча нашрлар ҳақида тўлиқ маълумот мавжуд. Масалан, ўша нашрнинг бир йиллик, уч ва бир ойлик обуна нархи, бир дона нашр қанча туриши ва ҳоказолар. Уларни билиб олгач, ўрнатилган тартибда обуна уюштириш мумкин. Яъни, нашрга обуна бўлганлиги ҳақида шартнома тўлдирилади, пули тўлангач, ўша шартноманинг нусхаси бизга етиб келади ва нашрни етказиб бера бошлаймиз.

— Обуна пулини қандай тўлаш мумкин?

— Бунинг уч усули бор. Уларнинг биринчиси компания ёки уюшмаларга келиб, керакли суммани нақд пул

ёки пластик карточка орқали тўлаш мумкин. Иккинчиси исталган банкка кириб, пул ўтказиш йўли билан, учинчиси эса агар мижознинг интернет-банк бўлса, ўша банкдан уйда ўтирган ҳолда ҳам истаган нашрига обуна бўлиши мумкин. Айни пайтда идорамиз ходимлари интернет орқали обуна бўлиб, ўзларига керакли матбуот нашрларини ўқишмоқда. Шунингдек, бошқа корхона-ташкilotлардан ҳам шу йўл билан обуна бўлганлар бор. Бу имкониятдан бошқалар ҳам бемалол фойдаланишлари мумкин, албатта.

Халқимизда, излаган имкон топар, деб бежиз айтишмайди. “Матбуот тарқатувчи” АҚ мутахассислари ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун бор имкониятларини ишга солишмоқдалар. Бу изланишлар бундан кейин ҳам давом этади.

Муборак МИРКАМолова

SOHADA TADBIRKORLIK

Янгилик яратган янглишмайди

Тоҳирхон ака янгилик яратишга ҳавасманд инсон. Сир эмас, собиқ “Матбуот тарқатувчи” вилоят уюшмаси Термиз шаҳрининг Наримонов кўчасидаги эски, айни чоғда мослаштирилган бинода фаолият кўрсатиб келарди. Одамларнинг ҳам тармокқа муносабати шу даражада бўлган.

“Матбуот тарқатувчи” АҚнинг Сурхондарё вилоят шўъба корхонаси жойлашган ҳозирги бинога ҳам ташқи, ҳам ички тарафдан ҳавас қилса арзийди. Шаҳарнинг Шароф Рашидов кўчасида хоҳ яёв, хоҳ улов билан ўтган киши замонавий қиёфа олган мўъжазгина идорага, албатта, назар ташлайди. Корхона раҳбари Тоҳирхон Жўраев жойлардаги шохобчаларнинг ҳам шундай бўлишини кўлаб, астойдил изланмоқда.

Эзгу-ниятлар ушалишида ўтган Баркамол авлод йили алоҳида ўрин эгаллади. Ангорлик ҳунармандлар ҳиммати билан мавжуд “Матбуот” дўконларини “Алхафон” усулида мукамал таъмирлашга киришди. Натижанда мавжуд 104та шохобчанинг 35таси алимаск қопламаси билан қайта ишланди. Шундай бир паллада мамлакатдаги барча турдош корхоналарга дўконларни янги дизайнда замонавийлаштириш юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг топшириғи берилди. Унинг ижросига Сурхондарёда ҳам астойдил киришилди.

Ўшанда Тоҳирхон ака жамоа билан маслаҳатлашиб олди. Раҳбарнинг тadbirkorлик бобидаги таклифи барчага маъқул тушди. “Ростдан ҳам пойтахтдан замонавий дўкон харид қилиш ва келтириш



Янги шаклдаги матбуот дўкони

қимматга тушади, — дейишди улар бир овоздан. — Лойиҳани бажаришга маҳаллийлаштириш дастури доирасида ёндашамиз”.

Қаловини билсанг, қор ҳам ёнади, деганларидек янги дизайндаги дўконни яратиш ҳамкорларнинг кўлидан келди. Тўғри, унга маълум вақт, кўп меҳнат сарфланди. Аммо буюртма удаланди.

— Энди хўп десаларингиз, бу дебеча дўконни вилоят матбуот уйи олдига қўйилик — деди Тоҳирхон Жўраев яна жамоа билан кенгашиб, — жуда гавжум жой. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари ходимлари ижодий меҳнатларига қандай муносабатда бўлаётганимиздан хабардор бўлишди.

Худди шундай қилинди. Замонавий дўкон суратда кўраётганингиз каби қўш қанотли тарзда бунёд топди. Бу қанотлар фақат қишда жипс турлади. Йилнинг қолган фасларида кун бўйи хизматда бўлади. Харидор энди бу ердан адабий нашрлар, китоб ва канцелярия товарлари ва бошқа буюмларни йўл-йўлакай олиб кетишлари мумкин.

Дарҳақиқат, янгилик яратган янглишмайди. Аксинча, изланишлари сабаб корхона қувватини мустаҳкамлашга ва ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга эришади. Зотан, шўъба корхонада 2010 йилда барча йўналишлар бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. Бу даража Денов, Сариосиё, Шўрчи туманларида яна ҳам юқори бўлди. Маърифат Ражабова, Хурматоӣ Жамилова, Фахриддин Акбаров ва Барно Сатторова каби матбуот тарқатувчилар шартномани бажаришда ўрнатилган кўрсаткичларни 17та хабарчининг барчаси велосипед билан таъминланди.

Амалдаги Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили Тоҳирхон Жўраев раҳбарлик қилаётган аҳил жамоанинг фидойилик ва яратувчанлик туйғусини жўш урдирмоқда. Улар жорий йилда илк бор чорвачилик бўйича ўз ёрдамчи хўжалигини ташкил қилиш нияти билан янашмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

Xalqaro hayot



КЕМАЛАР КАРОҚЧИЛАР ҚЎЛИДА

Reuters ахборот агентлиги хабар беришича, Сомали қароқчилари Ҳинд океанида Буюк Британиянинг "Irene SL" юк кемасини гаровга олишган.

Босқинчилик вақтида кема бортида 25 нафар экипаж аъзоси ва 266 минг тонна нефт бўлган. "Irene SL" сўнгги икки кун ичида қароқчилар қўлига тушган иккинчи кема ҳисобланади. Бунгача жиноятчилар Адан кўрфазидан Италиянинг нефт ташийдиган "Savina Caylyn" номли кемасини гаровга олишганди. Унда 22 нафар экипаж аъзоси бўлган.

АВСТРАЛИЯДА ТРОПИК ЦИКЛОН

Австралиянинг шимолий қирғоқларида "Карлос" тропик циклони ёпирилди. Асосий хавф Дарвин шаҳрида кузатилди. Хабарларда айтилишича, шаҳардаги ўнлаб уйларни сув босган. Соатига 100 километр тезликдаги шамол дарахтларни қўпориб ташлаган, электр энергияси линияларини узиб юборган. Натижада тўққиз мингдан ортиқ уйлар чироқсиз қолган. Мактаблар вақтинча ёпилган.

БАНК ДАВЛАТ ТАСАРРУФИГА ЎТКАЗИЛДИ

Ирландиянинг Anglo Irish Bank банки ўтган йилни 16,7 миллиард евро (24 миллиард АҚШ долари) миқдоридagi зарар билан яқунлаганини маълум қилди.

Мазкур молия муассасаси мамлакатдаги энг йирик банклардан бири бўлиб, у қурилиш соҳасидаги корхоналарга кредит ажратиш билан шуғулланади. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тўғрисидаги ўтган йиллар мобайнида бунёдкорлик ишлари ҳажми кескин камайиб кетди. Натижада қарздорлар зиммаларидаги мажбуриятларини бажара олишмади. Бу ҳолат банкнинг инқирозга юз тутишига ҳамда давлат тасарруфига ўтиб кетишига сабаб бўлди.

Anglo Irish Bank 2009 йил яқунлари бўйича ҳам жаҳонда энг кўп зарар кўрган банклар ичида биринчи бўлган. Ушанда у йилни 18,5 миллиард АҚШ долари миқдоридagi зиён билан яқунлаган.

МИЛИЦИЯ БЎЛИНМАСИДА ПОРТЛАШ

Доғистоннинг Қорабудахкент туманидаги Губден қишлоғида икки марта портлаш содир бўлган. Оқибатда икки киши ҳалок бўлган, йигирмадан ортиқ одам жабрланган. Бу ҳақда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи хабарлари маълум қилган.

Дастлабки маълумотларга кўра, милиция бўлинмасига бир аёл яқинлашган. У шлагбаумдан ўтиб, бинога кирган. Навбатчи аёлни ортага қайтаришга уринганида у портловчи қурилмани ишга тушириб юборган.

Воқеа жойида суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ЧИЛИДА ЗИЛЗИЛА

АҚШ Геология хизмати тарқатган хабарга кўра, Чилида 6,8 балли зилзила содир бўлган. Ҳозирча қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумот йўқ.

Мазкур ҳудудда энг йирик табиий офат ўтган йилнинг айнан февралда рўй берганди. Ушанда ер силкинishi 8,8 балли ташкил этган эди.

Интернет материаллари асосида
У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Фарғона вилояти ҳудудий комиссиясининг 2010 йилда назорат қилувчи органларнинг амалга оширган ишлари яқунлари ва 2011 йил учун иш режалари ҳамда вазифалари юзасидан йиғилиши бўлиб ўтди.

“МЕН БУГУН ТАДБИРКОРГА ҚАНДАЙ АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРДИМ” ШИОРИ ОСТИДА ИШЛАЙМИЗ

Йиғилишда ҳудудий комиссия раиси ўринбосари А.Тилаволдиев ва ишчи гуруҳ раиси Б.Эрматовнинг маърузаси тингланди. Маърузада айрим туман ҳудудий комиссиялари ва назорат қилувчи органлари томонидан қонуни ҳужжатлари талаблари ҳамда Кенгаш қарорлари ижросини таъминлашда хато-камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятдаги туман ва шаҳарларда Тошкент шаҳар, Сергели тумани таърибаси асосида «Йгона ойна маркази»ни ташкил этиш бўйича олиб бораётган ишларни 2011 йил 1 апрелига қадар ниҳоясига етказиш вазифаси юклатилди.

Республика кенгашининг 2010 йил 29 декабрдаги мажлиси қарори билан республикамизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида 2011 йил ҳар ойнинг учинчи шанбаси тадбиркорлар учун «Очиқ эшиклар кун»и деб эълон қилиниб, тадбиркорларга керакли маълумот ва маслаҳатларни бир жойнинг ўзида бериш таъкидлаб ўтилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида уларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш, фаолият юриштирари учун қулай муҳит яратиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоят ҳудудий комиссия аъзолари ва назорат органлари раҳбарлари вилоят ҳудудларига бириктирилди ҳамда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Барча назорат органлари раҳбарларига 2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан асосий эътиборни тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилмаслик, фаолиятига асоссиз аралашмаслик, бўлар-бўлмас тадбирлар билан уларни овора қилиш ўрнига «Мен бугун тадбиркорга қандай амалий ёрдам бердим» деган шиор билан ишлашга даъват этилди ҳамда 2011 йилда ушбу шиор остида ишлар ташкил этилиши белгилаб олинди.

Шу билан бирга, 2010 йилда ўтказилган режали текширишларда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаслик ҳолатлари маълум бўлди. Жумладан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг 2009 йил 30 декабрдаги 4/1-Г-сон қарори билан тасдиқланган 2010 йилда ўтказилган текширишлар режа-жадвали асосида «Фарғона кабел телевиденияси» МЧЖда 2010 йил

сентябр ойида режали текшириш ўтказилди. Текшириш натижасида хўжалик юритувчи субъект томонидан амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаётганлиги ҳамда кабел студияларида фойдаланилаётган радиоэлектрон воситаларга тегишли рухсатномалар олмасдан фойдаланаётганлиги аниқланди, шунингдек, текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамиятга тегишли кўрсатма берилди.

Радиоэлектрон воситаларидан ноқонуний фойдаланилаётганлиги учун «Фарғона кабел телевиденияси» МЧЖ директорига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-модда 1-қисмига асосан маъмурий жазо чоралари қўлланилди ва жаримага тортилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сон Қарори билан тасдиқланган «Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет элдан келтириш тартиби тўғрисида Низом» ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 7 декабрда 1531-рақам билан давлат рўйхатига олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги Низом» талабларини бажарилиши юзасидан Фарғона вилояти ҳудудида радиочастота спектри, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича ваколатли органлар билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиб борилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида ўн мансабдор ва бир жисмоний шахсларнинг Электронмагнит мослашув марказидан фойдаланиш учун тегишли рухсатномалар расмийлаштирмасдан, ноқонуний равишда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиётганликлари аниқланди. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жазо чоралари қўлланилди ва жаримага тортилди.

Ёзилган мурожаатларнинг эътиборсиз қолдирилиши, вақти-

да ижросини таъминламаслик, ўз-ўзидан норозилик ортишига, охири-оқибатда юқори ташкилотларга мурожаат этилишига олиб келади. Шуларнинг олдини олиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кўрсатилаётган алоқа ва ахборотлаштириш хиз-

матлари сифатини яхшилаш мақсадида бўлинмада ташкил этилган «Ишонч телефони» хизматига алоқа корхоналари томонидан кўрсатилаётган алоқа хизматлари бўйича 2010 йил давомида жами 138та мурожаат келиб тушган бўлиб, асосан соҳада кўрсатилаётган хизматларнинг сифатсизлиги, яъни кабел телевидение кўрсатувларида узилишлар бўлаётганлиги, почта жўнатмалари бўйича қидирув сўровномалари ва телефонларнинг қоникарсиз ишлаётганлиги тўғрисида бўлмоқда. Бўлинмага тушган мурожаатлар ўрганиб чиқилганда, улардан 125таси хўжалик юритувчи субъектларнинг айби билан бўлганлиги маълум бўлди. Мурожаатлар сони 2009 йилга нисбатан 6 фоизга камайган бўлишига қарамай, корхоналар айби билан бўлган шикоятлар 0,8 фоизга кўпайган. Ўрганишлар давомида 2010 йилда юқори ташкилот ва муассасаларга йўлланган 7та мурожаатдан 4таси корхоналар айби билан эканлиги аниқланди.

«Ишонч телефони» хизмати

га истеъмолчилардан тушган мурожаатларнинг барчаси қонунийликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Почта алоқасининг универсал хизматлари сифатини ва хатларнинг назорат муддатларида етиб боришини назорат қилиш мақсадида шаҳар ва туманларда жойлашган алоқа бўлимлари ва почта қутилари орқали 2010 йил давомида 112та олдий ва 112та буюртмалар — жами 224та назорат хатлари жўнатилди. Уларни почта қутиларидан олиниши, қабул қилиниши, ишлов берилиши, жўнатилиши, етказилиши ва назорат муддатидеа ўтиши таҳлил қилинганда, камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, яъни 17та хат почта қутисидан кеч олинганлиги, 10та хат истеъмолчига кечиктириб етказилиб берилганлиги, 4та хат етказиб бериш назорат муддати бузилганлиги, 8та хат манзилга етиб келмаганлиги аниқланди. Мазкур аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиалига тегишли тавсиялар берилди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиалининг тегишли бўйруқларига асосан иш жараёнида ўз хизмат вазифаларига соувқонлик билан ёндашган 77та ходимага нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар кўрилди.

М.РАФИҚОВ,
Фарғона вилояти
ДАН бошлиғи

БОҒЛАР-ЛА ГЎЗАЛЛАШ, ЭЙ, ОНА ЮРТИМ!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ана шундай фараҳли кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V қурултойи делегатлари ажойиб бир ташаббус — “Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига — 20 туп дарахт меннинг туҳфам” таклифи билан чиқдилар. Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан маъқулланган ушбу ташаббус бугун республикамиз бўйлаб кенг кулоч ёйган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг “Республикада 2011 йилда сабзавот, полиз, картош-

ка, мева, узум маҳсулотларини етиштиришни 30-40 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, янги боғ-токзорлар ва интенсив боғлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда юқоридаги ташаббусга қўшилган ҳолда алоқа тизими меҳнат жамоалари ҳам кўчат экиб, боғ яратишдек катта бунёдкорлик ишларини бошлаб юбордилар.

Бугунги кунда тизимдаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасалар

раҳбарлари кўчат экиш тадбирларини уюшқоқлик ва сифатли ўтказиш бўйича махсус жадвал ишлаб чиқишиб, кўчат экилаётган ернинг агро-техник хусусияти ҳамда сув билан қай даражада таъминланганлигини эътиборга олган ҳолда ишни бошлаб юборишди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон ҳудуди боғ-роғларга кўпроқ бурканади, юртим жамоли боғларла янада кўркاملашади, иншо-аллоҳ.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Бугун вилоятимиз шаҳар ва кишлоқлари нафақат замонавий тураржойлар, маъмурий бинолар, маданий-маиший шохобчалар, шунингдек, сўлим ва саховатли боғ-роғлар яратиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хисобига ҳам кун сайин чирой очиб бормоқда. Зеро, озод ва обод Ватан озод ва обод қалба барпо этилади.

Яхшидан БОҒ КОЛСИН...

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи делегатларининг юртдошларимизга қилган мурожаати ота-боболаримиздан мерос қолган бу қадриятларни янада ардоқлашга қанот бўлди. Жойларда ана шу қулғу заминни боғу бўстонга айлантириш таралдудиди жон куйдираётган замондошларимиз ташаббуслари кенг кулоч ёйди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали жамоаси кўчат экиш, боғ қилишдек хайри ташаббусини ўтган йили бошлаб берганди. Ташкилотта Навбахор туманидаги Охунбобоев номли фермерлар уюшмаси ҳудудидан ажратилган 5 гектар ерга дастлабки йили 1521та мевали дарахт кўчати ўтказилган эди. Шўр босган, қаровсиз ерга ўтказилган олма, ўрик, беҳи ва нок дарахтлари кўчатларини бехато ўстириб олиш почта ходимларига осон бўлмади, албатта.

— Халқимизда “Ерни боқсанг, ер бўлади” деган ибратли мақолни яхши биламиз, — дейди филиал умумий бўлим бошлиғи Йўлдош Шарипов. — Шу боисдан ҳам кўчат қатор ораларига 20 тоннадан ортиқроқ маҳаллий ўғит чиқарилиб, шудгорлаш, қиш бўйи ернинг шўрини ювиш ишларини оби-тобида бажардик. Натижа ёмон бўлмади. “Почта боғи”да биринчи йили кўчатларнинг тўлиқ тутиб кетишига эриша олмаган бўлсак ҳам, меҳнатларимизнинг самараси бор. Ўтган йили ниҳоллардан қуриб қолганлари ўрнини бу йил тўлдирдик. Мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатларини ҳамда боғимиз атрофига 1700та манзарали, яъни терак ва қора толлардан экдик. Эккан кўчатларимизнинг тўлиқ унишига ишончимиз комил. Чунки ўтган йили айнан Хатирчи туманидаги “Шохрўх ниҳолчи” фермер ҳужалигидан олиб келинган пайванд қилинган кўчатлар бехато унган эди. Ўша дарахтларимиз бу йил баҳорда гулга кирди.

Филиал фаоллари шанба, якшанба дам олиш кунларини боғни обод қилишга сарфлашга одатланишган. Боғнинг боғбонларига ҳам етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Дарахт кўчатларини парвариш қилиш билан бирга, бу йил қатор ораларга сабзи, пиёз ва картошка каби сабзавотларни экиш ҳам режалаштирилган.

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Хабар”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

Мутахассисларнинг эътирофи этишчи, боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришни тизимли амалга ошириш орқали яқин йиллар ичида мамлакатимизнинг тоғ ва тоғолди туманларида 100-150 минг гектар ерни ўзлаштириб, қўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-узум етиштириш имкони мавжуд.



Якдиллик билан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Маънавий тарғиботи маркази, Ёзувчилар уюшмаси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят телерадиокомпанияси, ўлкашунослик музейи, ахборот-кутубхона марказининг аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини янада ошириш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган фаолиятларини қўллаб-қувватлашга ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг 2011 йил 17 январидagi қарорига асосланиб 12 феврал кунини “Маънавият” умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан бири бўлмиш хайрия ҳашаридан тушган маблағлар қарияларнинг ижтимоий муҳофазасига, вилоят ўлкашунослик музейи, телерадиокомпанияси, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, ахборот-ресурс маркази, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги АРМ, вилоят таълим муассасаларидаги АР-

Мларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, АР-Мларни ижтимоий-сиёсий ва бадий адабиётлар билан таъминлашга қаратилади. Шунингдек, вилоятдаги ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилнинг энг яхши шеърый асари, насрий асар, драматик асар, таржима асари номинациялари ҳақида “Мен мустақиллик тенгдошиман” мавзусида 20 ёшга тўлган ижодкорлар ўртасида кўрик-танловлар ўтказилади ва мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ғолибларнинг китоблари нашр эттирилади.

Ушбу хайрия ҳашарида вилоятдаги барча алоқа корхоналари қаторида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали ҳамда “Фарғона Телеком” филиали жамоалари ҳам ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик фазилатларини намойиш этдилар. Алоқа бўлимлари ҳамда телекоммуникациялар боғламалари ҳудудлари ободонлаштирилди, чиқиндилардан тозаланди. Мевали боғлар учун ажратилган ерларга кўчатлар экилди.

Ишчи-хизматчиларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридagi маблағлар Маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими ҳисоб рақамига ўтказилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



Газетамизнинг 21 январ 3-сонидa маълумотлар сақлашда Data Centerларнинг аҳамияти, Ўзбекистон ҳудудидaги Data Centerлар, улар томонидан қўрсатилаётган хизматлар ҳақида “Маълумотлар сақлашда ишончли майдон” сарлавҳали мақола чоп этилганди.

Мақола чиққанидан сўнг, тахририятимизга Россиянинг STACK GROUP компанияси вакили қўнғироқ қилди. Маълум бўлишича, ушбу компания вакиллари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида учрашувлар ўтказган, Дата-марказлари ташкил этиш ва қуриш бўйича компаниянинг технологик ечимлари тўғрисида тақдимотлар ташкил қилган экан. “Айни дамда ўзбекистонлик мутахассисларни Москвадаги STACK GROUP лойиҳалари билан таништириш бўйича хизмат сафари ташкил этиш юзасидан келишув олиб боряпмиз”, — дейди компания консултанти Акмал Носиров.

STACK GROUP Дата-марказлар ташкил этишда қандай тажрибага эга? Компаниянинг технологик ечимлари нималардан иборат? Шу каби саволларимизга компания матбуот хизматидан жавоб олдик. Мақола асл ҳолича эътиборингизга ҳавола қилинади.


STACK GROUP –

Разработчик модульного дата-центра нового поколения

В XXI веке с каждым днем все больше увеличивается информационная нагрузка на ИТ-сервисы, которым все труднее справляться с современными задачами. Ресурсов требуется все больше, стоимость их все дороже. Каждые 18 месяцев мировой объём информации увеличивается вдвое, свидетельствуя о грядущем информационном взрыве. По прогнозам аналитиков Gartner и Cisco Systems уже в 2013 году нас ждет увеличение IP трафика в 5 раз (56 экзбайт в месяц), увеличение потоков мобильной передачи данных в 66 раз (из них 64% видео), увеличение общей площади цифровых экранов до 1 млрд. кв. м. Сетевой день продолжительностью 48 часов в 2013 году станет нормой. 90% от общего трафика передаваемой и хранимой информации составят видео-данные и сервисы, направленные на качественную передачу изображений.

На этом фоне всё более выраженным трендом развития ИТ-индустрии становится трансформация сервисов в направлении «ИТ как услуга», что свидетельствует о начале качественного передела ИТ-рынка в целом. Теперь уже, формируя запрос, потребитель ИТ-услуг исходит не от возможностей поставщика, а от собственных задач и ресурсов. Растущий интерес к «облачным» инфраструктурам и решениям класса IaaS (инфраструктура как сервис), AaaS (приложения как сервис), PaaS (платформа как сервис) объясняется потребностью добиться более четкого соответствия между инвестициями и результатами, более разумного использования целевых ресурсов, а главное, позволяет оперативно реагировать на быстро меняющиеся требования бизнеса.

Сегодня всё чаще приходится слышать о назревающем кризисе ИТ-отрасли, который может возникнуть вследствие конфликта между активно развивающейся индустрией ИКТ-оборудования и приложений, с одной стороны, и ограничениями унаследованных инфраструктур – с другой. Разрешить эту ситуацию можно только в результате скорейшего перехода на использование инфраструктуры нового поколения. Её основными качествами должны стать высокая гибкость, масштабируемость, эластичность и легкая адаптация к изменениям спроса. При этом она должна характеризоваться низкой стоимостью владения, отсутствием скрытых платежей и затрат на поддержку ИТ-инфраструктуры. Вследствие этого и удастся достигнуть четкого соответствия результатов поставленным целям, а также возмож-



ности платить только за использованные ресурсы.

Но как решить эту задачу? Традиционные методы создания и развития технологического базиса для ИТ подходят к своему логическому пределу. Дальнейшее наращивание мощностей приведет в итоге к стагнации и коллапсу, так как не обеспечивает качественного прироста требуемой бизнесу эффективности.

Российская компания Stack Group, лидер регионального рынка услуг ЦОД, предложила простую и вместе с тем технологически изысканную инновационную технологию создания модульного дата-центра нового поколения. Особенности его конструктива и инфраструктуры позволяют легко создавать и развивать энергоэффективные технологические площадки с любыми параметрами (размер, конфигурация, число стоек, вычислительная плотность, степень отказоустойчивости и т.д.). Важнейшим достоинством данной технологии является способность создавать оптимальные условия для «зарождения и жизни» облачных сред – независимо от используемых платформ и приложений.

Наверное, есть определённая закономерность в том, что такое решение предложено именно Stack Group – компании с 20-летним опытом работы на российском ИТ-рынке, успешно реализовавшей целый ряд инновационных инициатив, оказавших заметное влияние на развитие русскоязычного ИТ-пространства. Команда Stack Group, сформированная в 1991 году в подмосковном наукограде Пушкино из молодых учёных-энтузиастов, сумела не только выжить в сложное постперестроечное время, но и в кратчайший срок успешно реализовать свои профессиональные амбиции, запустив в 1996 г. первый русскоязычный поисковик Rambler. Имен-

но с этого момента команда Stack Group начала активно развивать свою экспертизу в области эксплуатации дата-центров. С 2003 г. оказание услуг на основе ресурсов собственных дата-центров становится приоритетным в бизнесе компании. Действуя в рамках новой бизнес-стратегии, компания открывает в 2004 г. первый провайдернезависимый аутсорсинговый дата-центр на 120 стоек, а в 2005–2007 реализует планы по вводу в эксплуатацию крупнейшего в России дата-центра на 750 стоек (Stack.M1) и запуску первой на постсоветском пространстве отказоустойчивой сети аутсорсинговых дата-центров Stack Data Network. С 2006 г. Stack Group уверенно лидирует на рынке коммерческих дата-центров России – и по суммарной площади дата-центров, и по спектру услуг, и по уровню зрелости бизнеса (Stack Group – единственная компания рынка ЦОД, получившая сертификат соответствия требованиям международного стандарта ISO 9001:2008).

Сегодня среди клиентов Stack Group есть как крупные коммерческие и государственные структуры (свыше 200 организаций, 43% которых работают в финансовом секторе экономики, 38% – на рынке телекоммуникационных и интернет-услуг, 9% – в промышленности), так и SMB- компании (в том числе start-up проекты). Особое место среди клиентов Stack Group в течение ряда лет занимают компании финансового сектора, предъявляющие наиболее высокие требования к уровню надежности и отказоустойчивости ИТ-систем и непрерывности ключевых бизнес-процессов (в т.ч. Росгосстрах, Ренессанс Кредит) и операторы связи, несущие перед своими клиентами ответственность за качество передаваемой информации (в т.ч. Билайн, ТТК, РТКомм).

Формируя стратегию развития своего бизнеса, Stack Group ориентируется как на процессы, происходящие в отечественной экономике, так и на тенденции международного рынка. Среди компаний, признавших высокий уровень профессиональных компетенций Stack Group – IBM, Mitsui Co, British Telecom, Orange, Rohm and Haas и другие известные бренды.

Булар орасида рақамли савдо маркази, Android платформасига мўлжалланган энг тезкор Sky интернет-браузер, IDEOS Huawei ултраюпқа планшети, юқори тезликдаги интернет-уланиш (интернетга 15 сонияда автоматик уланиш имконини берувчи маълумот картаси тақдим этилади), корпоратив алоқа тармоқлари, eCity — Келажак шаҳри: интеллект+экологик мусаффолик: шаҳар маъмуриятлари учун энергияни тежовчи ишланмалар, турли ҳажмдаги интеграциялашган шаҳар ахборот тизимлари, Beyond TV — IP-телевидение: кўпканалли мазкур гибрид ечим (IP+OTT+DVB-S/T/C) операторларга контентни тежаш ҳисобига мижозларга бир нечтагача экран технологиясини таклиф этиш имконини беради.

Тил ўрганишда янги технологиялар

Таълим жараёнида юқори малакали, фан асосларини пухта эгаллаган, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлаш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳозирги замон талабларига мувофиқ хорижий тилларни ўрганишда замонавий ахборот технология воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.



Чет тили дарсларида замонавий ўқув-техник воситалари, лингафон хоналари, мультимедиа, махсус дастурлаштирилган мавзулар, кўп тилли электрон луғатлардан бевосита фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Чет тилларини ўрганишда масофавий таълим усуллари, матбуот, телекоммуникация ва интернет материалларидан фойдаланиш ўқувчи-талабаларнинг фақат чет тилларини ўрганибгина қолмай, балки интеллектуал даражасини ошириш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир талаба томонидан ўз мутахассислиги фани бўйича хорижий мамлакатларда нашр этилган адабиётлардан, керакли журнал, газеталар ва ахборот тарқатувчи воситалардан унумли фойдаланиш кўзланган самарга эришиш мумкин. Адабиётлар асосан интернетдан олинса, бевосита ўз мутахассислиги фанлари бўйича хорижий манбалардан, дарслик

ёки ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш самарали натижалар беради.

Талаба ёшларга ҳар йили олий ўқув юртларида ўтказиладиган илмий-амалий анжуманларда ўз мақолаларини чет тилида тайёрлаб иштирок этишлари ҳам чет тилини ўрганишда катта фойда беради.

Чет тилларини ўрганишда компютерлардан фойдаланиш талабалар учун анча қулайлик яратади. Умумий тил ўрганишдан ўз мутахассислиги бўйича терминларни ўрганишни режалаштириш, компютер ёрдамида бу масалани тез ва самарали ечиш мумкин. Дарс жараёнида компютерда дастурлаштирилган мавзулар ёрдамида ўз билимларини оширибгина қолмай, компютерда ишлаш малакасини ҳам ўзлаштирадilar.

Хорижий тилларни ўрганиш би-

лан бир қаторда, ўз мутахассислиги бўйича мукамал ўқиш ва гапириш талаба-ёшлар учун катта истиқбол яратади.

Интернет орқали мутахассислик фани бўйича ривожланган мамлакатлар — АҚШ, Англия, Германия, Россия, Франция ва бошқа давлатлар кутубхоналаридан китоб, журнал ва янгилликлар олишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тилларни мукамал ўзлаштириш ва тил муҳитини яратиш учун турли дидактик тарбиявий тадбирларни уюштириш ва уларнинг дарс жараёнида материаллар билан боғлиқлигини таъминлаш, дарсдан ташқари қўшимча дарслар уюштириш, диктант, баён, иншо ёздирish, викторина ва баҳслар ўтказиш, тестлар ечиш, курс иши, мустақил иш ва битирув малакавий ишларини чет

тилида ёзишни ўрганиш талабалар билимини оширишда фойдали ҳисобланади. Ўқув юртларида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларни хорижий тилларда ташкил этиш ҳам талаба-ёшларни фаол ташкилотчиларга айлантиради.

Бўлажак малакали мутахассислар учун олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан алоқада бўлиш ҳозирги замон талабларидан биридир. Бу тил ўрганиш билан бир қаторда, янги адабиётларни таржимасиз ўқишга имконият яратади.

Мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрни тобора ўсиб, халқаро, савдо-сотик, туризм ва давлатлар ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар ривожланиб бораётган бир вақтда унинг келажagini яратувчи ёшларга хорижий тилни пухта ўрганиш ва хорижликлар билан бевосита мулоқот қила олиш давомида ўзига ва бошқаларга тааллуқли масалаларни эркин муҳокама қилиш, умуман, оғзаки ёки ёзма шаклда мулоқот қилишни ўрганиш ҳозирги куннинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб келмоқда.

Хорижий тилларни ўзлаштиришда янги технологияларни қўллаш талаба-ёшларни мустақил фикрлашга, янги билимларни эгаллашга, дунёқараш ва тафаккурини ривожлантиришга, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишишга ёрдам беради.

Г. ТАШЛАНОВА,
ТАТУ талабаси

Қонунбузарлар жазоланди, дисклар йўқ қилинди

“Яхшига ёндаш, ёмондан коч”, деб бекорга айтишмаган. Алимурод (исм-шарифлар ўзгартирилган) ота-онасининг гапига кириб, кадамни билиб босганида бугунги холига тушмаган бўларди. Қачон қарасанг, ким биландир шерикчилик қилиб, чув тушиб юради. Бу сафар ҳам шундай бўлди...

Ёз ойлари эди. Алимурод иш ахтариб, бир неча таниши билан учрашди. Кейин кимдир уни Содиқ билан таништириб қўйди. Сухбат давомида Содиқ Алимуродга тадбиркорлик билан шуғулланишини, бир дўкони борлигини айтди. “Хоҳласанг, дўконни биргаликда ишлатамиз. Диск сотасан, ойига 150 минг сўм маош бераман”, деди. Алимуродга бу ёқиб тушди. Тез орада икковлон ишга киришишди.

Пойтахтимизнинг Қорақамиш даҳасидаги кичиккина темир дўкон С.Алимуродга тегишли эди. У турли хил DVD, VCD ҳамда MP3 дискларни олиб кела бошлади. Алимурод эса сотувчилик вазифасини бажарди. Кундан-кунга дўкондаги ишлар юришиб, анчагина савдо қила бошлашди. Аммо, Содиқ дўкон савдосини қонунийлаштириш ё бўлмаса тушаётган даромаддан давлатга солиқ тўлашни ўйламади. Алимуроднинг эса бу билан иши ҳам йўқ. Тадбиркор Содиқ акасига ишонди. Афсуски, 20-25 ёшлардаги Алимурод ва Содиқлар ҳали ёш бўлишларига қарамасдан, назорат қилинмайдиган фойда кетидан қувиб, чўнтақларини қаппайтиришдан нарига ўтишмади. Фақатгина департаментнинг Олмазор тумани тезкор ходимлари томондан ўтказилган тадбир уларнинг кўзини очди. Текширув эълон қилингач, типирчилаб қолган Алимурод



дарҳол Содиқ акасига қўнғироқ қилиб, барчасини “босди-босди” қилишини кутди. Аммо, у ўйлаганчалик бўлиб чиқмади. Қилмишидан минг пушаймон бўлган қонунбузарлар судда кечирим сўраб, жазонинг енгиллаштирилишини сўрашди.

Ҳар ким қилмишига яраша жазо олади. Ноқонуний диск савдоси билан шуғулланган юқоридаги икки шахс ҳам жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, катта миқдордаги жарима жазосига тортилишди ҳамда икки йил муддатга раҳбарлик вазовимлари ва тадбиркорлик билан шуғулланишдан маҳрум этилишди. Далилий ашё сифатида олинган сифатсиз дисклар эса тегишли тартибда йўқ қилинди.

Отабек ЙҮЛДОШЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛҚ
департаменти Тошкент шаҳар
Олмазор тумани катта инспектори

Қулайлик

Мамлакатимизда аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари йилдан-йилга кенгайиб бораётгани сабабли, солиқ идоралари ҳамда корхона, ташкилотлар ўртасидаги электрон кўринишдаги ҳисоботлар тақдим этишнинг афзалликларидан ҳам намоён бўлмоқда.

Янгиликнинг қулайлиги шундаки, бу биринчи навбатда, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг вақти ва маблағини тежайди. Иш унумдорлигини оширади. Шу билан бирга, ҳисоботларни электрон тартибда тақдим этилишини таъминлаш, назоратни янада кучайтириш мақсадида БЭМ — бухгалтерга электрон мадал миллий дастурий маҳсулотни босқичма-босқич барча соҳаларга жорий этилишини таъминлаш, замонавий компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчиларга енгилликлар яратиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишга йўналтирилган вазифаларни бажариш борасида ҳам Марғилон давлат солиқ инспекциясида амалий ишлар қилинмоқда. Айти пайтда корхоналар солиштирма даволатномалари бўйича маълумот олиш ишлари ҳам электрон кўринишда амалга оширилмоқда.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Гиёҳвандлик — аср вабоси

ТАТУ Фарғона филиалида “Гиёҳвандлик — аср вабоси” мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

“Биз соғлом турмуш тарafdоримиз” шиори остида ўтган ушбу тадбирда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Одилжон Марипов, вилоят руҳий касалликлар шифонахонаси шифокор-психиатри Фахриддин Умаровларнинг маърузалари тингланди.

Вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бўлим бошлиғи Манзуржон Юсупов, наркология диспансери мутахассиси Бахтиёр Бахромов, “Камолот” ЁИХнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдусамат Ҳайдаровлар сўзга чиқдилар.

Ҳафиза САЛҲОВА

ТАТУда Навоийхонлик ва Бобурхонлик

Мамлакатимизда халқимизнинг буюк мутафаккири, алломи, ғазал мулкининг султони Ҳазрат Алишер Навоий таваллуднинг 570 йиллиги кенг нишонланди.

Тошкент ахборот технологиялари университетига ҳар йили феврал ойи давомида барча гуруҳ мураббийлари ҳамда ўқитувчилари ҳассос шоирнинг бадиий маҳорати ва инсонийлик фазилатларини талаба-ёшлар онгига сингдиришни ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар. Университетнинг “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси ўқитувчилари томонидан ўтказилган навбатдаги тадбир

ҳам бобокалонимиз таваллуд кунига бағишланди.

Тадбирни ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдинов кириш сўзи билан очиб берди. Сўзга чиққанлар Навоий ижодий фаолият билан бирга, умри давомида бор илми ва салоҳиятини фақат эзгу амалларга бағишлаганлиги, ўз маблаглари ҳисобидан юртни ободонлаштириш ишларига қўшган ҳиссаси, мачит-мадрасалар қурдиргани, илм толибларига кўрсатган ҳомийликлари ҳақида гапирдилар. Навоий ҳаёти, ижоди ва фаолиятини ўрганган сари ҳар бир инсон ўзига олам-олам янгилик ва

яхшилик кашф этишини таъкилладилар. Шундан сўнг Ҳазрат ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ҳужжатли филм намойиш этилди. Тадбир иштирокчилари томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари, ёд олинган ғазаллардан намуналар устоз ва талабаларда катта таассурот қолдирди.

ТАТУда ўқув йилининг 2-семестри айнан Навоий кунлари билан бошланиб, ўқув гуруҳларида ҳамда талабалар турар-жойларида Навоийхонлик кунлари ўтказилмоқда.

Зулхумор РАҲАБОВА,
ТАТУ “Ўзбек ва рус тиллари”
кафедраси ўқитувчиси

Тошкент ахборот технологиялари университетига шох ва шоир, буюк саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуднинг 528 йиллиги муносабати билан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси ўқитувчилари томонидан машғулотларда алоҳида адабий иқтидори билан ажралиб турган талабалар танлаб олинди. Ушбу талабалар иштирокида университет мажлислар залида ҳамда талабалар турар-жойларида Бобурхонлик тадбирлари ўтказилмоқда.

Университетимизда ўтказилаётган барча тадбирлар аждоқларимизга муносиб авлод бўлиб етишишимизга хизмат қилади. Устозларимизнинг истаклари ҳам ана шундай эзгуликдан иборатдир.

Нигина ФАЙРАТОВА,
ТАТУ 121-09 Му гуруҳ талабаси,
“Ахборот” клуби авзоси

Шоҳлар ичра шоир, шоирлар ичра шоҳ

Феврал ойи халқимиз учун том маънода байрам ойи ҳисобланади. Ҳаммага маълумки, 9 феврал Алишер Навоий ва 14 феврал Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топан кунларидир.

Шу муносабат билан шаҳримиздаги Ахборот-технологиялари касб-ҳунар коллежида Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда икки буюк сиймо таваллудига бағишланган “Шоҳлар ичра шоир, шоирлар ичра шоҳ” мавзусида адабий-муслиқий тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон халқ шоири Қобил Мирзо, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби, Бобур экспедицияси авзоси, ёзувчи Қамчибек Кенжа ва вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Гулнораҳон Исмоилова-лар иштирок этдилар.

Тадбирни ахборот-кутубхона маркази директори Г.Исмоилова очиб берар экан, тарих зарварақларига мурожаат этиб, икки сиймонинг бизга қолдирган бой мерослари ёшларнинг маънавий салоҳиятларини оширишга, уларни Ваганига садоқат руҳида тарбиялашда, комил инсонлар бўлиб етишишларида дастуриламал вази-фасини ўташини ташкиллаб ўтди.

Шундан сўнг шоир Қамчибек Кенжа Навоий ва Бобур ҳаёти, ижоди ҳақида ўқувчиларга қизиқарли маълумотлар бериш билан бирга, Бобур экспедицияси вакили сифатида амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берди.

Ҳазалнавис шоир Қобил Мирзо эса Навоий ва Бобур ғазалларига ёзган муҳаммасларидан ўқиди.

Коллеж ўқувчилари Навоий ва Бобур сиймоларини акс эттирувчи саҳна кўринишлари ва ўзлари ёд олган ғазаллари билан тадбирга янада кўтаринки кайфият бағишладилар.

Ф.АКБАРОВА,
Бобур номидаги Андижон вилояти
ахборот-кутубхона маркази сектор мудири



Аждоғлар ёдини хотирлаб

Яқинда улуг бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмлари 45605-ҳарбий қисмда Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда нишонланди.

“Аждоқлар ёдини хотирлаб” мавзусида ўтказилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Хуршидабону ва “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари Дилдора Самадова-лар иштирок этдилар.

Шоира Хуршидабону Алишер Навоий ижоди ҳақида сўз юрита туриб, унинг бой адабий мероси ва унинг илмий таҳлили бўйича сўнгги йилларда қатор таниқли талқиқотчиларнинг олиб борган ишлари ва бугунги кунда ҳам Навоийнинг мероси кўпгина олимларимизни илҳомлантириб келётганлиги ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, у Бобурнинг бизга қолдирган бой адабий мероси, Бобур ижодидаги ватанпарварлик ғоялари ва унинг давлат бошқариш сиёсатидаги қарашларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида аскарлар Навоий ва Бобур ғазалларидан ўқиб бердилар.

Н.ҚИЛИЧЕВА,
Бобур номидаги Андижон вилояти
АКМ 1-тоифали кутубхоначиси

Бобур ва Термизийлар

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгаши ижроий қўмитаси ҳамда Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона марказида буюк мутафаккир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини муносабати билан олимлар ва ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида “Буюк шоир ва саркарда” мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда ахборот-кутубхона маркази раҳбари Ш.Холёров табрик сўзи билан йиғилишни очиб берди. Шундан сўнг Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими ижрочи директори У.Мадиев “Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида”, ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши бош мутахассиси, тарих фанлари номзои Жалолдин Мирзаев “Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва Термизийлар” мавзуларида маърузалар қилдилар.

Баҳс-мунозараларда мустақиллигимиз туғайли маънавий қадриятларимиз, аждоқларимиз қолдирган мерос ўзининг бутун мукамаллигида тиклана бошлаганлиги таъкилланди. Бу мерос шу қадар улкан, шу қадар кенг қамровлики, уни яхлит тарзда идрок этиш ва оммага етказиб бериш ҳар бир зиёли зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борда қилинадиган ишларда ахборот-кутубхона маркази ташкилотчилиги ва етакчилиги қилмоқда.

Тадбир якунида унинг фаол иштирокчилари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Серфайз, сершукуҳ кунлар

ТАТУ Фарғона филиалида феврал ойининг биринчи ярни шукуҳли ва сермазмун кечди. Шеърят мулкининг султони, мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий таваллуднинг 570 йиллигига бағишланган “Ҳазал мулкининг султони”, моҳир лашкарбоши, доно давлат арбоби, истеъдодли шоир, адиб ва олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуднинг 528 йиллиги муносабати билан “Шоҳ ва шоир” адабий-бадиий тадбирлари ўтказилди. Унда икки буюк сиймоларнинг адабий мероси бетакрорлиги эътироф этилди.

Тадбирнинг серфайз, таассуротга бой бўлишига АРМ жамоаси директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, проректор Улугбек Солиев, филология фанлари номзои, доцент Набижон Солиев, “Камолот” ЁИХ етакчилари Аббосхон Маҳмудов, Ҳаётхон Арипжонов, Одинахон Раимжонов, талабалар Дилноза Ҳакимова, Зарнигор Раҳимова ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Ҳафиза АСҚАРОВА

«Хаммага салом!»

Тарифлар сонини кўпайтириб бораётган «МТС-Ўзбекистон» компанияси янги «Хаммага салом!» тарифини таклиф этади.



Ушбу тариф ҳам Ўзбекистон бўйича, ҳам «Ўздунробита» ХК тармоғида тез-тез кўнғирок килувчи абонентлар учун энг қулайдир.

Ушбу тарифда Ўзбекистон бўйича барча чиқувчи кўнғироклар ва «МТС-Ўзбекистон» тармоғи ичидаги суҳбатнинг биринчи 3 дақиқаси нархи — \$0,015 (1 дақ. учун). 3-дақиқадан кейин тармоқ ичидаги суҳбатлар нархи — \$0,005. Бунда барча кирувчи кўнғироклар аввалгидек бепул ва абонент тўлови йўқ.

Таъкидлаш лозимки, янги тарифда Ўзбекистон бўйича чиқувчи SMS ва MMS-хабарлар нархи — \$0,015 (1 хабар учун). Бундан ташқари, ушбу тарифда 1 Мб GPRS-интернет ва GPRS-WAP трафик нархи атиги — \$0,06.

Янги «Хаммага салом!» тариф режасига МТС офисларида ва компаниянинг дилерлик шохобчаларида уланиш мумкин. Аввал уланган абонентлар куйидаги усуллардан бири орқали «Хаммага салом!» тарифига ўтишлари мумкин:

- USSD-портал орқали, *111# рақамига кўнғирок қилиб;
- *111*120# USSD-команда юбориб;

- 616120 рақамига «1» рақамини SMS орқали юбориб;
- «Шахсий кабинет» ёрдамида.

«Янги «Хаммага салом!» тарифи ишга туширилиши билан абонентларимиз учун мобил алоқа мулоқотнинг янада фойдали ва универсал воситасига айланади, чунки ушбу таклиф туфайли инсонлар билан мулоқот янада қулай ва арзонлашади», — деб таъкидлади «МТС-Ўзбекистон» компанияси бош директорининг тижорат бўйича ўринбосари Нуриддин Шодмонов.

Худудий ривожлантириш бўйича янги директор

Сергей Закураев «Юнител»-нинг худудий ривожлантириш директори лавозимига тайинланди. У 2010 йил 5 ноябрда компанияни тарк этган Андрей Анисимовнинг ўрнини эгаллади.

«Бугун барча худудий филиалларимиз учун «Билайн»ни бозордаги ўрнини мустақамлаш ва тармоғимизнинг технологик асосларини ривожлантириш вазифаси турди» — дейди «Юнител» МЧЖ бош директори Андрей Сафронюк. — Сергей Закураевнинг Ветнам ва Россияда телеком-бизнес қурилишидаги улкан тажрибаси ҳамда натижани кўзлаши юқори кўрсаткичларга эришишда кўмак беришига ишончим комил».

«Кучли рақобат ва алоқа тех-



нологияси ҳамда интернетнинг гурқираб ривожланиши шароити-

да худудий тармоқни бошқариш — бу жиддий таклиф. Мен Ўзбекистонда ўз фаолиятимга улкан ғайрат билан киришаман. Яқин кунларда «Билайн» мамлакатда яшовчилар учун ўнлаб шаҳарларни қамраб олувчи 3G база тармоғи хизматларини таклиф қилишни режалаштирган. Ишонманки, дилер тармоқларининг ривож ва шу соҳада эксклюзив офисларнинг очилиши абонентларимизни юқори сифатли хизмат билан таъминлайди», — деди С. Закураев.

Сергей Закураев «Вымпелком»нинг олий корпоратив мукофоти — «Бриллиантовая пчела»га сазовор бўлган. Оилали, иккита ўғилни тарбияламоқда.

«Ucell»: дилерга «Chevrolet captiva» топширилди

«UCell» самарали фаолияти ва компаниянинг 7 миллионинчи абонентини рўйхатга олганлиги учун ўз дилерига «Chevrolet Captiva» автомашинасини совға қилди.

Ибодулло Раҳмонов — «UCell»нинг Сурхондарё вилоятидаги дилери яхши натижалар кўрсатди ва компаниянинг 7 миллионинчи абонентини рўйхатга олди. Айнан шунинг учун у «UCell» бош директори Огуз Мемигювен томонидан «Chevrolet Captiva» автомашинаси билан тақдирланди.

«Мен «UCell» компаниясига фаолиятимни ижобий баҳолагани ва доимий қўллаб-қувватлагани учун чуқур миннатдорчилигимни изҳор этаман, — деди Ибодулло Раҳмонов. — Компания тез суъратлар билан ўсиб келмоқда ва мен бунга ўз ҳиссамни қўшганлигимдан хурсандман».

Дилерлар компания учун жуда муҳим ҳамкорлардир ва «UCell» дилерларни рағбатлантириш дастурини ривожлантириб боради.

Маълумки, дилерларни рағбатлантириш дастури асосида компания ҳар миллионинчи абонентни улаган дилерга автомашина совға



қилади. Масалан, урганчлик Умидбек Худойбергенов «UCell» дилери бўлиб, компаниянинг 6 миллионинчи абонентини рўйхатга олди. Айнан шунинг учун у ҳам «UCell» томонидан «Chevrolet Captiva» автомашинаси билан тақдирланган эди.

Дилерлар кичик бизнес вакиллари бўлиб, компания билан ишлаш орқали ўз бизнесларини юригадилар. Улар мижозлар билан ишлайдилар, янги абонентларни улайдилар, компаниянинг хизматлари ҳақида ахборот берадилар ва таклиф қиладилар. Бунинг нати-

жасида барқарор даромадга эгадирлар. Бугунги кунда 2000дан ортиқ дилерлар мамлакат бўйлаб «UCell» билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Дилерларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш «UCell» учун катта аҳамиятга эга. Молиявий бонус ва мукофотлардан ташқари, уларга бошқа тадбирлар ташкил қилинади. Масалан, 2010 йил декабр ойда юз нафар дилер Дубай (БАА) курортга олиб борилди. Барча харажатларни «UCell» компанияси ўз зиммасига олди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Қашқадарё вилоят «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси жамоаси корхона хабарчиси Зокир ЖУРАЕВни кутлуғ 50 ёши қарши олаётгани билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Водил почта алоқаси тармоғи хабарчилари Абдусалом РАҲМОНОВ ҳамда Муборакхон БУТАБОВЕВларни 50 ёшга тулишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустақам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту камолани кўришлигини тилайди.

«ALISHER RIVOJ» NODAVLAT TA'LIM MUASSASASI

Абитуриентларни куйидаги олий ўқув юртларига тайёрлайди

ТИББИЁТ, СОЛИҚ, ОЛИЙ МИЛИЦИЯ АКАДЕМИЯЛАРИ, ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ЖАҲОН ТИЛЛАРИ, ПЕДАГОГИКА, ТЕХНИКА, ИҚТИСОДИЁТ, ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ, МОЛИЯ, ФАРМАЦЕВТИКА, ПЕДИАТРИЯ, ЮРИДИК, ШАРҚШУНОСЛИК, БОЖХОНА ИНСТИТУТЛАРИ ҳамда СИНГАПУР, ВЕСТМИНСТЕР, ТУРИН УНИВЕРСИТЕТЛАРИ.

Шунингдек, 3-6 ойлик РУС ва ИНГЛИЗ тилидан сўзлашув курслари мавжуд. Тингловчилар синов асосида қабул қилинади. Дарслар малакали ўқитувчилар томонидан дарс соатлари узайтирилган ҳолда олиб борилади. Биз дарсларнинг сифати ва самарали натижасига қафолат берамиз.

Мурожаат учун телефон: (+99893) 385-70-14.
Манзилимиз: Чилонзор тумани, Нақдонилик кўчаси, 1-уй, 2-қават, 4-5-қошлар.
Мўджал: «Чилонзор» метро бекати, Республика кўрак жарроҳлиги институти рўнарасида.

Xabar да

рекламани жойлаштириш

Телефонлар: 288-40-66,

288-40-69.

Факс: 288-40-72.

E-mail: info@xabar.uz



Спорт ёш танламайди

Тошкент шаҳри жамоаси раҳбар ва катта ёшдаги ходимлар ўртасидаги мусобақа бош совринни кўлга киритди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Мусобақада барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри ҳамда ОАТ "Алоқабанк" раҳбар ва катта ёшдаги ходимларидан иборат жами 15 жамоа баҳс олиб борди. Жамоалар тўрт гуруҳга бўлинди. Унда биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган жамоалар чорак финал йўлланмасини кўлга киритишди.

Гуруҳ баҳсларида қизиқарли ва голларга бой ўйинлар кузатишга бўлса, чорак финалга келиб ўйинларга кескинлик ҳам қўшилди. Гуруҳ учрашувлариданоқ мусобақанинг фаворит жамоалари ажралиб қолган эди. Булар асосан пойтахт, Наманган ҳамда Самарқанд жамоалари эди. Шунингдек, гуруҳ босқичидан ўта олмаган бўлсада, Бухоро вакиллари яхши ўйин кўрсатишди. Уларга қуёра борасида бир оз омад етишмади. Бухороликлар билан бир гуруҳдан ўрин олган Тошкент шаҳри ва сирдарёлик ҳамкасблари бу мусобақага жуда жиддий тайёргарлик билан келишгани биринчи турларданоқ сезилган.

Демак, чорак финалга саккиз жамоа йўл олди. Ушбу босқичдаги энг кескин баҳс "Алоқабанк" ҳамда сирдарёлик алоқачилар ўртасида кечди. Жамоавий ҳаракатлар ва дарвозабон маҳорати банкчиларни ярим финалга олиб чиқди. Шунингдек, Жиззах жамоаси пойтахтлик ҳамкасбларига етарлича қаршилик кўрсата олди. Қолган жуфтликларда кучдаги тафовут ҳисобда ҳам ўз аксини топди.

Чорак финал натижалари:

Наманган – Сурхондарё – 5:0

Самарқанд – Фарғона – 6:1

Алоқабанк – Сирдарё – 3:1

Тошкент – Жиззах – 4:2

Мусобақанинг биринчи кунги гуруҳ баҳслари ўтган бўлса, иккинчи кунги тушиққа қадар чорак финал баҳслари, куннинг иккинчи ярмида эса



ярим финал учрашувлари ташкил этилди. Жамоалар икки кун ичида тўрттагача ўйин ўтказганликларига қарамай ва иштирокчилар ўртача 40-50 ёшни ташкил этишдан қатъи назар, ярим финал баҳслари ишлат ва тезлик борасида олдинчиларидан ўтса ўтдики, қолишмади. Айниқса, "Алоқабанк" ва Наманган вилояти жамоалари ўртасидаги баҳс мурасимсиз тарзда кечди. Ҳар иккала жамоа голиблик учун ҳақли ўйин кўрсатди. Бу сарфар ҳам жамоавий ҳаракатлар "Алоқабанк"ка қўл келди, дейиши мумкин. Кескинлик юқорилиги боис, ҳакамлар сариқ карточкаларни чўнтақларидан чиқаришга мажбур бўлди. Сўнгги дақиқаларда эса "Алоқабанк"нинг асосий ўйинчиларидан бири қизил карточка билан "сийланди". Шундай бўлса-да, ғалаба ва финал йўлланмасини кўлга киритилди.

Алоқабанк – Наманган – 1:0

Иккинчи ярим финал жуфтлигида самарқандликлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, рақиб ҳимоясини ёриб ўтишининг улдасидан чиқа олишмади. Кўп вазиятларда пойтахт жамоаси дарвозабони Юнус Фафуров ўз дарвозасини муқаррар голлардан сақлаб қолди. Ҳисоб йирик кўриниш олди, аммо Самарқанд жамоаси ҳужумчилари кескинлиги бир зум бўлсин тинмади. Бу ерда ҳам жамоаларнинг умумий тайёргарлиги ғалаба учун ҳал қилувчи ролни ўйнади.

Тошкент – Самарқанд – 4:0

Мусобақанинг учинчи кунги 3-ўрин учун баҳс ва финал учрашувиға гувоҳ бўлдик. Турли даражадаги уч кубок ва медаллар кимларга насиб этади? Шу масалани ҳал этиш учун жамоалар майдонга тушишди.

Ярим финалдаги кескин баҳсда биргина тўп фарқи билан имкониятни бой берган Наманган жамоаси мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганни исботлади. Самарқанд билан кечган баҳсда ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқмаган ҳолда тўрт бор гол киритишга муваффақ бўлишди.

3-ўрин учун.

Наманган – Самарқанд – 4:0

Бош соврин учун бир-бирини анча яхши биладиган жамоалар — "Алоқабанк" ва Тошкент шаҳри жамоаси (бу жамоалар мусобақа олди машғулотларида бир неча бор ўртоқлик ўйинларини ўтказишган) кураш олиб борди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов сардорлигидаги пойтахт жамоаси катта қийинчиликка дуч келмади. Бунга сабаблардан бири — "Алоқабанк"нинг ярим финалда кўпроқ куч йўқотгани ва асосий ўйинчиларидан бири қизил карточка олиб финалда ёрдам бера олмагани бўлди. Умуман олганда, чиройли комбинациялар орқали киритилган голлар, майдонга бор кучнинг ташлаиши финал ўйини жозибасига жозиб қўшди. Рустам Қосимов томонидан киритилган пойтахт жамоасининг олтинчи голи финал ўйинидаги ва умуман бу йилги мусобақадаги энг сўнгги гол бўлиб қолди.

Финал. Тошкент – Алоқабанк – 6:2

— Мусобақа жуда яхши ташкил этилди, — дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Жиззах филиали омбор муллари Раҳимқул Думаев. — Бундай турнирлар ҳар йили ташкил этилса, нафақат ёшлар ўртасида спортга бўлган қизиқиш, балки катта ёшли ходимларнинг соғлиқларини доимий назорат қилиб боришларига замин яратилган бўларди. Ёшим 62да. Мактаб давридан футбол ўйнаб келаман. Ҳозир ҳам ҳафтада бир мартаба футбол ўйнайман. Мусобақанинг биринчи ўйинида майдонга тушганимда кўпчилик томошабинлар менга ҳайрат кўзлари билан боқди. Ўйин тугагач эса, тепа ўриндиқлар тарафдан "Шу кишини футбол ўйнай олишига кўзим етмаётганди, алашибман" деган фикрни эшитдим. Чорак финалгача тўртта ўйинни деярли алмаштиришисиз ўтказдим, рақиблар дарвозасига етганда гол киритишга муваффақ бўлдим. Шундай ажойиб спорт байрами ташкил этиб берганлари учун ташкилотчиларга раҳмат.

Раҳимқул Думаевнинг мусобақадаги сермаҳсул ўйини ташкилотчиларни ҳам бефарқ қолдирмади. У турнирнинг энг яхши ҳужумчиси дея эътироф этилди ва Диплом ҳамда махсус соврин билан тақдирланди. Шунингдек, Сурхондарё жамоасидан вилоят Электромагнит мослашув ўнги Олимов "Энг яхши ҳимоячи", Сирдарё жамоасидан Рустам Қобулов "Энг яхши ўйинчи", Хоразм жамоасидан Исмоил Солиқов "Энг ёши улуг ўйинчи" (70 ёш), Самарқанд жамоаси "Энг иродали жамоа" деб топилди.

Мусобақа якунида голиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Унда сўз олган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Х.Муҳитдинов иштирокчиларнинг раҳбар ва катта ёшли мутахассислари бўлишига қарамай, яхши спорт формасида эканликларини таъкидлади. Бундан беш йил аввал илк бор ўтказилган ушбу турнир бундан буён мунтазам ташкил этилиши режалаштирилаётганини айтиб ўтди. Мусобақани ўтказишдан мақсад — унда голиб бўлиш эмас, соғлом турмуш тарзини танлаганликларининг ўзи катта ютуқдиги, барча иштирокчиларга асосий ишларидан вақт ажратиб келганлари учун ташаккур билдирди.

Сўнгра Наманган вилояти жамоасига кичик кубок ва учинчи ўрин учун медаллар, ОАТ "Алоқабанк" жамоасига иккинчи ўрин учун ўрта кубок ва медаллар, бош соврин ва медаллар эса Тошкент шаҳри жамоасига топширилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ



Қадимда бир киши чўлдан териб келиб, бозорда сотган ўтинларининг пули эвазига ғарибона кун кечирарди. Унинг бир кунда топган пули кунлик рўзгорига зўрга ётар, кейинги кун учун ҳеч вақо қолмас эди. Аёли, фарзандлари ҳам шу ҳаётга ўрганишганди.

Бир куни бозордан чиқиб уйига қайтаётган эди, ундан олдинда кетаётган кишига кўзи тушди. У молини сотиб, уйига харажат қилган бўлса керак, сабавот солинган халтасининг устида ўралган арқон кўзга ташланарди.

“Қани эди, кўпроқ ўтин териш насиб қилса-ю, шундай арқон сотиб олсам, — ўйлади у. — Афсус пулим егуликдан ортмапти. Арқоним эса титилиб кетган”. У юришда давом этди. Бир маҳал не кўз билан кўрсинки, йўлида ўша арқон ётар, унинг эгаси эса анча узоклашиб кетган эди.

Ўтинчи аввалига уни чақириб, арқонини бермоқчи бўлди. Лекин нафси ғолиблик қилди ва арқонни олиб, халтасига солди.

Орадан бир неча ой ўтди. Ҳаёт бир тарзда давом этар, ўтинчининг бирор куни йўқ эдики, далага чиқмаса. Агар шундай қилмаса болалари оч қолишини яхши биларди у.

Ўтинчи яшаётган қишлоқда бир бой савдогар истиқомат қиларди. Савдогар умр бўйи топган-тутганини тилла тангаларга айлантириб, тўртта қопга жойлаштирган эди. У оғир касалга дучор бўлгач, умри тугаганини сездии ва ўгилларини ёнига чақирди.

— Болаларим, энди видолашадиган вақтимиз келди, — деди

савдогар. — Лекин сиз кўрқманг. Бугун умр топган бойлигим — тилла тангаларни тўртта қопга жойлаб қўйганман. Ҳар бирингиз бир қопдан олинг.

Ўгиллар ўйланиб қолишди, сўнг кенжаси сукунатни бузиб, тутила-тутила отасига савол берди.

— Отажон, унда тўртинчи қопни кимга берамиз.

— Уни қабрда биринчи кеча менинг

Ўтинчининг тавбаси

ёнимда ётишга рози бўлган одамга беринг.

Шу тариқа савдогар омонатини топширди. Ўгиллар отаси ёнида ётишга ўзлари кўрққани боис, бошқалардан илтимос қила бошладди. Лекин бундай оғир юмушга ҳеч ким рози бўлмади. Шу пайт улар эшиги олдида ўтинчи кетиб бораётган эди. Тўнгич ўгил укаларига деди:

— Чопинглар, ўтинчини тўхтатинглар. Кунини зўрга кўради, шу одам рози бўлса керак.

Ака-укалар унга таклифни айтишганида ўтинчи аввалига чўчиб тушди. Сўнг бир қоп олтинга эга бўлишини ўйлаб, рози бўлди. “Барибр ҳаммамизнинг борадиган жойимиз шу ер бўлса, — ўйлади у. — Бир кеча ҳеч нима қилмас. Баҳонада чўп қидириб юришдан қутуламан, бойиб ҳам кетаман”.

RIVOYAT

Шу тариқа васиятга биноан ўтинчини савдогарга қўшиб қабрга қўйдилар. У қўйнида арқони билан савдогарнинг ёнига чўзилди.

Орадан бир оз вақт ўтиб, қабр тепасида туйнук очилди ва икки фаришта тушди. Улар савдогар қолиб, ўтинчини сўроққа тута бошладилар. Ўтинчи бировга ёмонлик қилмаган одам эмасми, барча саволларга жавоб берди. Лекин қўйнидаги арқон масаласига навбат келганда нима дейишни билмай қолди. Ҳеч қанақа пора-ю таниш-билишчилик ўтмайдиган, фақат рост сўз айтиладиган жойда у арқон эгасини атайлаб чақирмаганини тан олишга мажбур бўлди ва тонга қадар гурзи зарбидан ҳолсизланиб қолди.

Эрталаб савдогарнинг ўгиллари ранги оқариб, адои тамом бўлган ўтинчини қабрдан чиқариб олдилар ва бир қоп олтинни унинг олдига қўйдилар.

Ўтинчи қопдаги олтинларга қайрилиб ҳам қарамади.

— Тақсирлар, рухсат берсангиз, мен ўз юмушимга борай, — деди у. — Биргина эски арқоннинг жавобини беролмай тонггача қийналдим. Уни тезда эгасини топиб, топширмоғим лозим. Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

У орқа-олдига қарамай югурганича кетди.

Савдогарнинг ўгиллари нима қилишни билмай ўйланиб қолишди. Ва қопдаги олтинларни муҳтожларга тарқатишга қарор қилишди.

Дилором РАҲИМОВА,
меҳнат фахрийси

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Дунёдаги энг қадимий йўл қарда жойлашган?

“Xabar”нинг 6 (960)-сонида эълон қилинган “Телеком” сўзи илк бор қачон ва ким томонидан ишлатилган? саволига жавоб:

— “Телеком” сўзи биринчи марта Федерико Цези томонидан 1611 йилда ишлатилган.

Зухра ҲОТАМОВА
Андижон вилояти

ҚОЙДАГИ МАСЛАҲАТЛАР

■ Хом гўшт иссиқликка тутилишидан аввал тузланиши лозим. Акс ҳолда унинг суви оқиб, таъмининг йўқолишига олиб келади.

■ Гўштни сувга ботириб олинган ёғоч тахта устида тўқмоқлаш керак. Қуруқ тахта гўшт сувини шимиб олади.

■ Гўштли шўрвага пишишдан ярим соат аввал, балиқ шўрвага қайнатилиш аввалида, кўзиқорин шўрвага эса охирида туз солинади.

■ Чучварали шўрванинг суви хира тортамсин десангиз, чучварани қайнаётган шўрвага солиш олдида қайноқ сувга ботириб олинг. Лағмонни ҳам шу тахлит қайнатган маъқулроқ.

Биласизми?

- Типратикан оловдан кўра сувдан кўпроқ кўрққали.
- Фолкленд оролидаги ҳар бир киши бошига (жами 2000 киши) 350та кўй (жами 700 000) тўғри келади, Янги Зеландияда эса киши бошига 20та тўғри келар экан.
- Охирги 4000 йилда биронта янги жонзот пайдо бўлмаган.
- Об-ҳавони «башорат» қиладиган ўсимликларнинг 400га яқин тури мавжуд.
- Дунёдаги капалакларнинг энг каттаси — Жанубий Америка тунги капалаги ҳисобланади. Агар у қанотларини ёйса, уларнинг умумий узунлиги 27 сантиметрга боради.
- Олдий пўлат 100 даражагача совутилганда шишадек мўрт бўлиб қолади.
- Оқ айиқ соатига 40 км/с тезликда югура олади.
- Кўл тирноқлари ерининг ўз ўқи атрофида айланиш тезлигида ўсади.
- Туянинг ўрқачи бўлишига қарамасдан умуртқаси тўғри экан.
- Мушук 12-қаватдан тушиб кетса, 7-қаватдан тушиб кетганга қараганда тирик қолиш имконияти кўпроқ бўлар экан.



Хандалар

— Азизам, агар пиширган пирогинг сирини айтсанг, мен цемент саноатида янгилик яратган бўлардим.

- ***
- Алло, бу “Тез ёрдам”-ми?
 - Ҳа.
 - Илтимос, менга кўнгироқ қилиб юборинг. “Сотка”мда “кириш” текин.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АГАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдузани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул тобиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0

Реклама матларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чўққали

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-202 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18629 нусха.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 226-87-71 Қаршида 314-08-99